



“O‘ZBEKKINO” MILLIY AGENTLIGI

BUYRUQ

№ 230a

"14" 11 2017 yil

Аудиовизуал асарлар тайёрлаш фаолият тури билан шуғулланувчи нодавлат юридик шахслар томонидан ишлаб чиқарилаётган фильмларни кўриб чиқиш ва уларнинг намоишини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида

Аудиовизуал асарлар тайёрлаш фаолият тури билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг (кейинги ўринларда – нодавлат киностудиялар) ижодий фаолиятига яқиндан кўмаклашиш, улар томонидан яратилаётган фильмларни баҳолаш орқали сифати ва бадиий даражасини янада оширишга эришиш, шунингдек, “Ўзбеккино” Миллий агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) тасарруфидаги кинотеатрларда намоиш этилаётган фильмларни тартибга солиш мақсадида **б у ю р а м а н**:

1. Нодавлат киностудиялар томонидан яратилган миллий фильмларга мутахассис фикрини олиш ҳамда уларни Республика кинотеатрларида намоиш қилиш масаласида Агентликка келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ва ҳал этишда амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши таъминлансин.

2. Агентлик ҳузурида нодавлат киностудияларнинг ижодий фаолиятига кўмаклашувчи **Ишчи гуруҳи** тузилсин ва унинг таркиби **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ишчи гуруҳининг вазифалари қуйидагилар этиб белгилансин:

нодавлат киностудиялар томонидан ишлаб чиқарилаётган фильмларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 15 мартдаги 72-сон қарори 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган “Аудиовизуал асарларни тайёрлаш, дубляж қилиш ва экранда намоиш этиш бўйича фаолият турларини лицензиялаш тўғрисида Низом”нинг 10-банди талабларига мувофиқлиги юзасидан ўрганиш;

фильмларнинг сифати ва бадиий даражасини янада ошириш бўйича нодавлат киностудиялар учун зарур тавсиялар тайёрлаш;

фильмларни Агентлик тизимидаги кинотеатрларда ўтказиладиган тақдимо (премьераси)ни ташкил қилиш ва прокатини амалга ошириш бўйича Агентлик бош директориға тегишли таклиф киритиш;

нодавлат киностудияларнинг ижобий баҳоланган фильмларини маҳаллий ва нуфузли халқаро кинофестивалларға тавсия қилиш;

ҳар чоракда нодавлат киностудиялар томонидан яратилаётган фильмларни таҳлил қилиш ва таҳлил натижасига кўра уларнинг сифати ва бадиий даражасини оширишга, ҳамда нодавлат киностудиялар фаолиятида юзага келаётган муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

4. Агентлик тизимидаги кинотеатрлар раҳбарлари – кинотеатрларда намоиш этилиши режалаштирилган фильмлар репертуар режасини Агентлик билан келишишни таъминласин (масъул Ш.Ризаев).

5. Ушбу буйруқнинг ижроси устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Бош директор

Ф.Зокиров

**“Ўзбеккино” Миллий агентлиги ҳузуридаги нодавлат киностудияларнинг
иждодий фаолиятига кўмаклашувчи Ишчи гуруҳи
ТАРКИБИ**

1. **Ш.Ризаев** – “Ўзбеккино” МА Бош директорининг биринчи ўринбосари, **Ишчи гуруҳи раҳбари**
2. – **Ишчи гуруҳи аъзолари:**
3. **М.Мухтаров** – “Ўзбеккино” МА Кинолойиҳаларни тематик режалаштириш, фильмларни эксперт баҳолаш ва лицензиялаш бошқармаси бошлиғи
4. **М.Мухамедсаидов** – “Ўзбеккино” МА Кинолойиҳаларни тематик режалаштириш, фильмларни эксперт баҳолаш ва лицензиялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
5. **Лавозими бўйича** – “Республика кинофонди” ДУК директори
6. **А.Исҳоқов** – Республика маънавият ва маърифат кенгаши масъул ходими
7. **М.Матчонов** – Ўзбекистон киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, киношунос
- киноактёр

Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Ишчи гуруҳи таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариши юкланган шахслар киритилади.